



The specifics of codification of entrepreneurial laws in the USA and some european countries

Ikhtiyorjon TURABOEV¹

Institute of State and Law of Academy of Science of Uzbekistan

ARTICLE INFO

Article history:

Received September 2021

Received in revised form

15 September 2021

Accepted 20 October 2021

Available online

15 November 2021

Keywords:

entrepreneurial laws,

systematization,

codification,

Commercial Code.

ABSTRACT

In this article the experience of codification of entrepreneurial laws in the USA and some European states was analyzed. The author analyzes the specifics of codification of entrepreneurial laws implemented in the USA, Germany and France. Taking into account that the Republic of Uzbekistan has several hundred normative legal acts which regulate activities of business entities, some scholars and lawyers support idea on codification of these laws and develop a draft Entrepreneurial Code in order to improve and liberalize legislation in this area.

2181-1415/© 2021 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol2-iss10/S-pp317-322>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

АҚШ ва баъзи Европа давлатларида тадбиркорлик фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатларини тизимлаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари

АННОТАЦИЯ

Мақолада АҚШ ва баъзи Европа давлатларида тадбиркорлик соҳасини тартибга солувчи қонун ҳужжатларини кодификация қилиш тажрибаси ўрганилган. Муаллиф томонидан АҚШ, Германия ва Францияда амалга оширилган тадбиркорлик қонунчилигини тизимлаштиришнинг тадбиркорлик субъектлари учун бевосита таъсирлари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар:

тадбиркорлик

қонунчилиги,

тизимлаштириш,

кодификация,

Тижорат кодекси.

¹ Leading researcher Institute of State and Law of Academy of Science of Uzbekistan, PhD. E-mail: ituraboev@mail.ru.

Особенности систематизации предпринимательского законодательства в США в некоторых европейских государствах

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:
предпринимательское
законодательство,
систематизация,
кодификация,
Коммерческий кодекс.

В статье изучен опыт США и некоторых Европейских государств по систематизации предпринимательского законодательства. Автором проанализированы особенности систематизации предпринимательского законодательства в США, Германии и Франции. Проанализировав международный опыт по кодификации предпринимательского законодательства, автор подчеркивает особенности кодификации предпринимательского законодательства в нашей стране.

Тадбиркорлик фаолиятини тартибга солиш жуда катта ҳажмдаги қонун ҳужжатлари билан амалга оширилади. Масалан, тадбиркорлик субъектларининг ташкилий-ҳуқуқий шакллари, уларни ташкил этиш ва бошқарув масалаларини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари ёки улар фаолиятнинг турли соҳаларини тартибга солишга қаратилган қонунлар бўлиши мумкин.

АҚШ тадбиркорлик фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатларини тадбиркорлик соҳасини тартибга солиш таснифига кўра кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Масалан, АҚШда савдо ва тижорат соҳасини тартибга солиш АҚШ Ягона Тижорат Кодекси (Uniform Commercial Code) орқали тартибга солинса, тадбиркорлик субъектлари бўлмиш корпорациялар фаолиятини тартибга солишда Model Business Corporation Act муҳим ўрин тутди.

АҚШда тадбиркорлик фаолиятини тартибга солиш штат қонунлари билан тартибга солинганлиги туфайли турли штатларда фаолият юритувчи тадбиркорлик субъектлари томонидан фаолият олиб боришини тизимлаштириш ҳамда улар фаолиятини тартибга солишга қаратилган штатлар қонунларини умумлаштириш мақсадида АҚШ Ягона Тижорат Кодекси (Uniform Commercial Code) ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Мазкур ҳужжат федерал қонун ҳисобланмайди. У барча штатлар томонидан бирдек қабул қилинган қонун. Савдо фаолиятини тартибга солиш штатлар томонидан турли қонунлар билан тартибга солинганлиги туфайли тадбиркорлик субъектларининг штатлараро муносабатларида ҳамда тадбиркорлик субъектлари иштирокидаги низоларни кўриб чиқишда турли штатлар судьялари томонидан турлича ёндашувларнинг мавжудлиги савдо фаолиятини тартибга солувчи қонунчиликни тизимлаштириш заруратини туғдирди. 1942-йилда Ягона Ҳуқуқий Комиссия (The Uniform Law Commission) ва Америка Ҳуқуқ Институтини (American Law Institute) мамлакатда амалда бўлган барча тижорат қонунларини бирлаштирувчи Ягона Тижорат Кодекси (Uniform Commercial Code)ни ишлаб чиқиш бўйича фаолиятни бошладилар. Мазкур кодексни ишлаб чиқиш тарихини ўрганган Аллен Кампт (Allen Kampt) фикрига кўра, мазкур ҳужжатни ишлаб чиқишдан асосий мақсад тижорат битимларини тартибга солувчи қонунларни соддалаштириш, модернизациялаш ҳамда турли юрисдикциялар ўртасида ягона қонун яратиш ҳисобланган [1].

Мазкур ҳаракатлар натижаси бўлган кодекс 1951-йилга келиб барча штатларга тақдим этилди. Штатлар ушбу Ягона Тижорат Кодекси (Uniform Commercial Code)ни кўриб чиқишни бошлади ва 1953-йилда биринчилардан бўлиб Пенсилвания штати қабул қилди ва 20 йил давомида барча штатлар томонидан ушбу кодекс қабул қилинди. Мазкур кодекс қабул қилинганидан сўнг тадбиркорлик субъектлари бошқа штатлардаги ҳамкорлари билан шартномаларни ушбу шартнома шартлари барча штат судларида бир хилда талқин қилинишига ишонган ҳолда туза бошладилар. Бу эса, ўз навбатида, тадбиркорлик муносабатларининг ошишига ҳамда мамлакат иқтисодиётининг янада ривожланишига ўз ҳиссасини қўшди. Шуни таъкидлаб ўтиш зарурки, Ягона Тижорат Кодекси (Uniform Commercial Code)нинг федерал қонун эмас, балки штат қонуни эканлиги, унинг ҳамма штатларида қабул қилишда ўзгаришлар мавжудлиги сабабли барча штатларда бир хил эмаслиги мазкур ҳужжатнинг ягона ёки бир эмаслигини билдиради [2].

Ягона Тижорат кодексини қабул қилишда қуйидаги асосий мақсадлар кўзда тутилган:

1. АҚШ штатларида олиб бориладиган савдо фаолиятини тартибга солишда ягона ёндашувни амалга ошириш.

2. Мазкур кодекс билан нафақат савдо муносабатларини, балки бошқа тадбиркорлик муносабатларини тартибга солишни умумлаштириш.

Ягона Тижорат кодекси мазмунига эътибор берадиган бўлсак, мазкур ҳужжат нафақат тижорат соҳасидаги муносабатларни, балки тадбиркорлик фаолиятининг бошқа соҳаларини, масалан, ижара муносабатлари, қимматли қоғозлар муомаласи, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалаларини ҳам тартибга солади. Аммо ушбу кодексда тадбиркорлик муносабатларининг ҳаммасини ўз ичига олмайди ва унда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини белгилаш, хизмат кўрсатишни тартибга солиш, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг банкротлик масалаларини ўз ичига олмайди.

Мазкур кодекснинг юридик кучини муҳокамага қиладиган бўлсак, ушбу ҳужжат тўғридан-тўғри амал қилувчи ҳужжат эмас, яъни кодекс муайян штат томонидан қабул қилинган бўлсагина, юридик кучга эга бўлади. Шуни таъкидлаб ўтиш зарурки, ҳамма штатлар ҳам ушбу кодексни тўлалигича қабул қилмаган. Унга штат манфаатларини эътиборга олган ҳолда тузатишлар киритилган ҳолатлар ҳам мавжуд.

АҚШда компаниялар фаолиятини тартибга солишда 1994-йилдаги “Тадбиркорлик корпорациялари тўғрисида Намунавий қонун” (Model Business Corporation Act)нинг аҳамияти жуда катта. Мазкур ҳужжат ишлаб чиқилганига қадар АҚШ штатлари ҳар бирининг корпорациялар фаолиятини тартибга солувчи қонунлари мавжуд бўлиб, турли штатларда фаолият олиб боровчи корпорациялар фаолиятида қийинчиликлар келтириб чиқарар эди. АҚШ юристлар ассоциацияси (American Bar Association) 1950-йилда мазкур ҳужжатни ишлаб чиқишни бошлади. “Тадбиркорлик корпорациялари тўғрисида Намунавий қонун” (Model Business Corporation Act) штатларга ўз корпоратив қонунларини тизимлаштириш ва бирхиллаштириш ҳамда турли штатларда фаолият юритаётган корпорацияларнинг иш юритишларини осонлаштириш имкониятини тақдим этди. Ҳозирга келиб, ушбу ҳужжат 24 штатлар томонидан тўлиқ қабул қилинган. Мазкур ҳужжатни қабул қилиш штатлар ихтиёрида эканлиги сабабли баъзи штатлар маҳаллий шароитларга мослаш-

тирилган ҳолда қабул қилади, шунинг учун “Тадбиркорлик корпорациялари тўғрисида Намунавий қонун” (Model Business Corporation Act) 26 та штатда қисман қабул қилинган.

Мазкур қонун нормалари бир хилда эканлиги унинг термин ва тушунчаларини турли штатларда бир хилда қўллаш имкониятини беради ва унинг нормаларини шарҳлашни осонлаштиради. Шунинг учун бир штат суди бошқа штат суди қабул қилган қарорда ҳолатни корпоратив низолар бўйича кўраётган ишда фойдаланиши ҳам мумкин бўлади.

Шунингдек, АҚШда корпорациялар фаолиятини тартибга солишда “Делавер штати корпорациялар тўғрисида қонун”нинг аҳамияти “Тадбиркорлик корпорациялари тўғрисида Намунавий қонун” (Model Business Corporation Act) сингари бўлиб, мазкур икки қонун мамлакатда корпоратив қонунларнинг 2 та модели бўлиб ҳисобланади[3]. Д.Е. Вейцман фикрига кўра, “Тадбиркорлик корпорациялари тўғрисида Намунавий қонун” (Model Business Corporation Act) расмий аҳамиятга эга эмас[4]. Аммо мазкур ҳужжатнинг аҳамияти штатлар томонидан тадбиркорлик корпорацияси фаолиятини тартибга солувчи қонунларни қабул қилишда андоза ёки намуна сифатида катта аҳамиятга эга.

Европада континентал ҳуқуқ тизимида кирувчи давлатлар сирасига кирувчи Франция ва Германияда тижорат фаолиятини тартибга солувчи алоҳида қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилган.

Франция Тижорат кодекси 1807-йилда қабул қилинган. Мазкур кодекс 9 та алоҳида бўлимлардан ташкил топган бўлиб, улар “китоб” деб номланади. Тижорат кодексининг I китоби “Тижорат бўйича умумий қоидалар” деб номланади. Мазкур бўлимда тижорат фаолияти, тижоратчи, тижоратчиларнинг умумий мажбуриятлари каби энг асосий қоидалар берилган.

II китоб “Тижорат компаниялари ва иқтисодий манфаат гуруҳлари” деб номланади ва мазкур бўлимда тижорат ташкилотларининг турлари: тўлиқ ширкат, коммандит ширкат, масъулияти чекланган компания, акциядорлик жамиятлари ва улар фаолиятини ташкил этиш, бошқариш ва тугатиш билан боғлиқ масалаларни, шунингдек, компаниялар томонидан акциялар ва облигациялар чиқаришни тартибга солишга қаратилган қоидаларни ўз ичига олади. Бундан ташқари, ушбу II китобда компаниялар томонидан юритиладиган бухгалтерия ҳужжатлари ҳамда амортизация ва фойдани ҳисоблаш, ҳисоботларни эълон қилиш бўйича қоидалар ҳам берилган. Компанияларнинг бирлашиш ва ажралиши (Merger and division) ҳам мазкур бўлимда тартибга солинади.

III китоб “Олди-сотдининг турли типлари” деб номланади ва унда омборхонадан сотиш, ишлаб чиқариш корхонасининг дўконларидан сотиш, оммавий аукционалар орқали сотув каби олди-сотди операцияларининг турли хил кўринишларини тартибга солишга қаратилган қоидаларни ўз ичига олади.

IV китоб “Нархлаш эркинлиги ва рақобат” деб номланади. Мазкур бўлимда қандай фаолият рақобатни чеклашга қаратилган рақобат эканлиги, иқтисодий концентрациянинг келиб чиқиш ҳолатлари, шунингдек, рақобатни чеклаш ҳолатларини текшириш бўйича қоидаларни ўз ичига олади.

V китоб “Айланма ҳужжатлар ва кафолатлар” деб номланади. Мазкур бўлимда векселлар (bill of exchange) муомаласи, қарз мажбуриятлари (promissory notes) ҳамда кафолатларини тартибга солиш бўйича қоидаларни ўз ичига олади.

VI “Корхоналарнинг молиявий қийинчиликлари” деб номланган ушбу бўлимда корхоналарнинг иқтисодий танглик ҳолатлари ва мазкур ҳолатларни ҳал қилиш бўйича, яъни реструктуризация, тугатиш жараёнлари, тугатилаётган корхона мол-мулкларини реализация қилишни тартибга солувчи қоидаларни ўз ичига олади.

VII китоб “Тижоратни ташкил этиш” деб номланади. Мазкур бўлимда Савдо-саноат палаталарининг ваколатлари, тижорат кўрғазмалари ташкил этишни тартибга солиш бўйича қоидаларни ўз ичига олади.

VIII китоб “Баъзи тартибга солинадиган профессионал фаолият” деб номланади. Мазкур бўлимда суд томонидан тайинладиган вақтинчалик бошқарувчилар, тугатувчилар ҳамда корпоратив таҳлил экспертлари фаолиятини ташкил этиш, улар меҳнатига ҳақ тўлаш, шунингдек, аудиторлар фаолиятини ташкил этиш бўйича қоидаларни ўз ичига олади.

IX китоб “Мамлакат ташқарисидаги ҳудудлар” деб номланади. Ушбу бўлимда Франциянинг хориждаги ҳудудлари, Франция Полинезияси, Валлис ва Футуна (Wallis and Futuna) ороллари каби ҳудудларда Франция Тижорат кодекси қоидаларини қўллаш бўйича алоҳида ҳолатларни тартибга солишга қаратилган қоидалар жой олган.

Немис олими Р. Книпер фикрига кўра, Германия ва Франция Тижорат кодекслари соф хусусий ҳуқуқдан ташкил топган [5]. Мазкур фикрни қўллаб-қувватлаган М. Сулейменов ушбу кодекслар фуқаролик кодексларига қўшимча сифатида қабул қилинган ва фуқаролик-ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланган ҳамда хусусий ҳуқуқ қонун актлари ҳисобланган, деб таъкидлаб ўтган [6].

Баъзи олимлар фикрларига кўра, Франция Тижорат кодекси кўпроқ формал характерга эга бўлиб бормоқда. Чунки реал иқтисодий сектор махсус қонунчилик билан кўп даражада тартибга солинмоқда. Шунингдек, баъзи махсус қонунларнинг қабул қилинганлиги, яъни корпоратив қонунчилик ва суғурта фаолиятини тартибга солиш бўйича алоҳида қонунлар қабул қилинганлиги сабабли Франция Тижорат кодекси аҳамияти пасайиб бормоқда, деган фикрлар мавжуд. Бунга эса франциялик йирик олим Д. Таллоннинг Тижорат кодекси “бўш қобиқ”дан иборат бўлиб қолган [7] деган фикрлари келтирилади. Шунингдек, Франция Тижорат кодексига банк операциялари, суғурта масалаларининг тартибга солинмаганлиги, шунингдек, сотув шартномаларига фақатгина битта модданинг ажратилганлиги мазкур қонун ҳужжатининг жиддий камчилиги эканлиги ҳақида олимлар фикри бериб ўтилган [8]. Адолат учун шуни айтиб ўтиш зарурки, Франция Тижорат кодексининг ҳозирги ҳолатини ўрганиб чиқиб, юқорида берилган Д. Таллон томонидан айтилган фикрни қурол қилиб олган ҳолда Россия ва Козоғистон Республикасида Тадбиркорлик кодексини ишлаб чиқишга қарши фикрларнинг асослилигига шубҳа уйғонади. Негаки Тижорат кодексининг II китоби Францияда корпоратив ҳуқуқнинг қонуний манбаси бўлиб хизмат қилиши аниқ. Тўғри, Д. Таллон мақоласи 1980-йилда ёзилган ва ушбу пайтда, яъни 1966-йилда компаниялар фаолиятига боғлиқ қоидалар қабул қилинган ва 2000-йилга қадар амалда бўлган. Кейинчалик эса яна Тижорат кодексига қайта киритилган ва унинг нормалари кучайтирилган [9].

Хулоса қилиб шуни айтиб мумкинки, АҚШ ва баъзи Европа давлатларида тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тартибга солиш турли ёндашувга асосланган.

АҚШ тажрибасидан кўриниб турибдики, Ягона Тижорат кодекси номи билан ягона бўлса-да, мамлакат бўйлаб федерал қонун сифатида қабул қилинмаган ва у штатлар томонидан ўз қонунларини қабул қилиш учун андоза бўлиб хизмат қилади.

Баъзи олимлар томонидан Франция Тижорат кодекси ўз мавқеини тушириб юбормоқда, деган фикрлар ҳам унчалик тўғри эмас, яъни Франция Тижорат кодекси мамлакат корпоратив ҳуқуқининг асосини ташкил этади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Allen R. Kampt, Downtown Code: A History of the Uniform Commercial Code 1949-19 Buffalo Law Review, Vol 49, 2001, page 366.

2. Allen R. Kampt, Downtown Code: A History of the Uniform Commercial Code 1949-19 Buffalo Law Review, Vol 49, 2001, page 376.

3. Mary Siegel, An Appraisal of the Model Business Corporation Act's Appraisal Rights Provisions, Law and Contemporary Problems, Vol 74, 2011 page 231.

4. Д.Е. Вейцман, Вопросы унификации правовых норм, регулирующих деятельность предпринимательских корпораций в США, Вестник РУДН, серия Юридические науки, 2013. – № 4. – С. 251.

5. Р.Книпер, Скептическое замечание по поводу необходимости разработки Хозяйственного кодекса, Юрист, №3, 2012.

6. Сулейменов М.К. Хозяйственный (предпринимательский) кодекс: улучшение законодательной системы или ее развал? / М.К. Сулейменов // ЮРИСТ. – 2011. – № 7. – С. 22–30.

7. Denis Tallon, Reforming the Codes in a Civil Law Country, 15 J. SOC'Y PUB. TCHRS. L. 33, 35 (1980).

8. В.А. Шишканов, Проблемы кодификации Российского предпринимательского права, Сибирский юридический вестник, 2004г, №4, стр. 53.

9. Mathias M.Siems, The Divergence of Austrian and German Commercial Law: What Kind of Commercial Law Do We Need in a Globalised Economy? International Company and Commercial Law Review, 2004. Page 275.